

Саломлашиш одоблари

05:00 / 04.03.2017 4051

Саломлашиш деганда кишиларнинг учрашган чоғда биринчи бирбирларига тилак маъносида сўз айтишлари тушунилади. Саломлашиш ҳамма миллатларда қадимдан мавжуд. Бугунги кунда ҳам дунёдаги барча халқлар ўзаро муомала ва мулоқотни саломлашишдан бошлашади. Уларнинг саломлашишдаги урфодатлари, сўз ва ифодалари турлича бўлсада, мақсад бир: бирбирларига яхшилик, саломатлик тилаш. Мусулмонларда саломлашиш энг улуғ амаллардан ҳисобланади ва жуда ҳам мукамал шаклда қўлланилади.

Салом иймоннинг камоли, Исломнинг шиоридир. Салом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, улуғларнинг одатидир. Салом инсон маънавияти кўзгуси, тинчлик элчиси, меҳрмуҳаббат гаровидир. Салом дўстлик аломатидир. Салом инсоний алоқаларни мустаҳкамловчи метин арқондир. Салом яхшиликлар дебочасидир. Салом бўлмаса, дунё зиндондир. Жаннат ҳам салом билан ободдир. Салом жаннат аҳлининг сўрашишидир. Чунки Салом Аллоҳ азза ва жалланинг гўзал исмларидан биридир.

Имом Бухорий «АлАдаб алмуфрад»да Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Салом Аллоҳнинг исмларидан биридир. У Зот уни ер юзига жорий қилгандир. Уни орангизда ёйинглар», дедилар».

Ана шундай буюк, аммо жуда ҳам осон бўлган амалга бугунги кунда кишиларимиз орасида қанчалик эътибор берилмоқда? Саломлашиш ўзи қаёқдан келиб чиққан? Саломлашишнинг қанчалар савобли, фазилатли ва аҳамиятли амал эканини ёшларимиз билишадими? Саломлашишда биз нималарга риоя қилишмиз керак? Саломлашишни биз кимлардан ўрганамиз? Замонавий мулоқот воситалари бўлган ойнаижаҳон, интернет, телефон ва бошқаларда саломлашиш қандай бўлади? Шу ва шунга ўхшаш саволларга ушбу мақола орқали жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Саломнинг келиб чиқиши

Саломлашиш инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳақда имом Бухорий, Муслим ва бошқалар қуйидагича нақл қиладилар:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ тало Одамни ўз суратида яратди, унинг узунлиги олтмиш зирё эди. Уни яратиб бўлгач: «Ана у ўтирган бир нафар фаришталарга бориб салом бергинда уларнинг сенга берган саломига қулоқ солгин, чунки мана шу сенинг ва зуриётингнинг саломи бўлади», деди. Одам: «Ассаламу алайкум», деди. Улар: «Ассаламу алайка ва роҳматуллоҳи», деб, «ва роҳматуллоҳи»ни зиёда қилишди. Ҳар бир жаннатга кирадиган одам Одам суратида бўлади. Махлуқот ҳозирги вақтгача қисқариб келмаоқда», дедилар».

Аллома Муновий ушбу ҳадис шарҳида айтади: «Бу саломнинг илк машруъ қилиниши бўлиб, бошқа сўзлардан алоҳида хосланмоқда. Чунки у меҳр-муҳаббат эшигини очади ва у иймонинг камолига олиб боровчи бўлган икки биродарнинг қалбини бирбирига улфат қилиш ҳисобланади».